Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 8 ИЮНЬ, сешанба, № 40 (5.996). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

3-саҳифа
Истиқлол ва истиқбол: Андижон одимлари

1— 2 саҳифа
Бедазорлар нега камайиб кетди? Сохта иззат-икром кимга керак?

4-саҳифа
А. С. Пушкин даҳосига эҳтиром

ШУ КУННИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **Республика Олий Мажлиси депутатларидан бир гуруҳи Олий Мажлис раиси ўринбосари А. Қосимов бошчилигида Андижон вилоятида бўлиб, қатор туманлардаги меҳнат жамоалари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказди. Мулоқотларда мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида олға сурилган вазифалар ижроси хусусида фикр алмашилди.**

● **Шу вилоятда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди.**

Семинарда республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, А. Зиё сўзга чиқдилар.

● **Республика Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтида олтинчи анъанавий илмий анжуман бўлди. Унда «Мамлакатимиз мустақиллиги: фалсафа ва ҳуқуқ муаммолари» мавзуси атрофлича муҳокама этилди.**

● **Туркистон саройининг ёзги биносида халқаро атроф-муҳитни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди. «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда «Ўзбекнаво» бирлашмаси ҳамкорликда уюштирган ушбу анжуманда таниқли хонандалар иштирок этдилар.**

● **Республика Олий судида шу йил 16 февралда юз берган хунрезликлар айбдорлари устидан суд жараёни давом этмоқда. Айбланувчилардан Зикиржон Ҳасанов, Зайниддин Асқаров, Баҳром Абдуллаев айбларига иқрор бўлиб кўрсатма беришмоқда.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент Ислом университетининг фаолиятини такомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, университет, ислом тадқиқотлар марказини, академик лицей фаолияти сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент Ислом университети маслаҳат кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловадаги рўйхатга биноан тасдиқлансин.

Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мансуров тайинлансин.

Маслаҳат кенгашининг тавсиялари университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгалиги белгилансин.

2. Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

— Ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;

— жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

— ҳомийларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқитиш услубияти, таълимни ташкил этиш тажрибасини яқиндан ўрганиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурга мос равишда татбиқ этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига таклиф этишда тавсиялар бериш;

— дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштиришда университет илмий кенгашига тавсиялар бериш;

— университет ва унинг ҳузуридаги ислом тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда манбалар хазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;

— университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкорини шакллантириш ва фаолиятига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 апрель Фармони ҳамда «Тошкент Ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1999 йил 7 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида университет маслаҳат кенгашининг Низоми ишлаб чиқилсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент Ислом университетининг маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 фармойишига илова

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИНГ ТАРКИБИ

1. А. МАНСУРОВ	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, кенгаш раиси
2. Н. ЖЎРАЕВ	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
3. Ҳ. КАРОМАТОВ	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент Ислом университети ректори
4. А. БАҲРОМОВ	Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
5. А. КОМИЛОВ	Ташқи ишлар вазири
6. Ф. СОБИРОВ	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси
7. С. ҒУЛОМОВ	Олий ва ўрта махсус таълим вазири
8. Н. ИБРОҲИМОВ	Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг ректори
9. А. АЗИМОВ	Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъҳадининг ректори
10. Н. КОМИЛОВ	профессор-исломшунос
11. М. ХАЙРУЛЛАЕВ	ФА шарқшунослик институти директори
12. З. МУНАВВАРОВ	Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси
13. Ю. ШОКИРОВ	Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!

Дил изҳори

Инсонни табиат гултожи, ақл-идрокда тенгсиз мавжудот деймиз. Бу ҳақиқатан шундай, лекин гоҳи-гоҳида беғамлик деган иллат бизни ғафлатга солиб қўядиган пайтлар ҳам бўлиб туради.

Мустақилликка эришилганидан сўнг республикамиз раҳбариятининг юртимизда беқиёс саъй-ҳаракатлари туфайли осойишталик, барқарорлик юзага келди. Ишлайман, пешона тери эвазига ризқ-насиба тераман деган инсонлар учун барча шароитлар яратиб берилди. Натижада кенг қамровли ратувчанлик меҳнати қарор топиб, чинакам юксалиш палласи бошланди. Турмушнинг кўпгина жабҳаларида салмоқли ютуқларга эришилди. Ғаллачилик, картошкачиликнинг гуркираб ривожланиши бунга яққол мисоллардандир.

Мана шундай дадил тараққиёт поғоналаридан одимлаётган бир лаҳзада 16 февраль воқеалари барчамизни ларзага солди. Бу хунрезликларга бош қўшган кимсаларга нима етишмайди ўзи? Уларнинг муддаоси нима? Нечун бу қадар разиллик?!

Албатта, куни кеча бошланган одил суд жараёни давомида бу саволларга ойдинлик киритилади. Лекин ғаламислар тинч-осойишта юришни хоҳламаётгани Тожикистондаги мудҳиш воқеалар орқали яна бир карра аён бўлди. Агар биз ҳушёрликни қўлдан берсак, бузғунчилар қайта бош кўтаришлари аниқ. Бунга асло йўл қўймаслигимиз керак.

Бузғунчилар ва ғаламислар қўл остида қолган Афғонистон, шунингдек, қўшни Тожикистон аҳолиси ҳозир тинч меҳнатга нақадар муштоқ эканлигини жуда яхши биламиз. Зотан, уруш-жанжал бор жойдан барака кўтарилиши азалдан маълум.

Шу боис юртимиздаги тотувлик, бунёдкорлик муҳитини кўз қорачиғидек асрашимиз, бу улуғ неъматни ниҳоятда қадрлашимиз жоиз, деб биламан.

Каримбой ШАРИПОВ,
Янгибозор тумани Ҳамза номли жамоа хўжалиги фермери.

Далаларда тўхтамайди иш...

САРА ПИЛЛА

«Ҳосил-99»

Андижон вилояти пиллакорлари маррага етди. Мавсумда парваришланган 45 минг 732 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан ўртача 55,7 килограммдан ҳосил олинди. Қабул пунктларига 2 минг 270 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси топширилди.

Вилоят «кумуш тола» ижодкорлари давлатга яна 250 тонна пилла етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

ХАЛҚДАН УЗИЛГАНЛАР ЖАЗАВАСИ

Нафрат

Тожикистонда давом этаётган беҳаловат кунлар кўп қатори бизни ҳам қаттиқ ташвишга соляпти. Қўшнинг уйида тинчлик бўлмаса хотиржамлигини йўқотар экан киши. Хўш, бирлашган тожик мухолифати паноҳида кўним топган жиноятчилар қачонгача ўзларининг хом хаёлларига маст бўлиб юришади? Халқ нафратига учраган бу кимсалар ўзлари қора бўлганини наҳотки ўйлашмайди?!

Ваҳший ватангадолар билиб қўйишсин. Ўйлаганлари ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Ўзбек ва тожик халқларининг бирлигига ҳеч ким, ҳеч қачон путур етказа олмайди. Тараққиёт йўлидан бораётган Тожикистон халқини ортга қайтара олмайди. Худо хоҳласа, бегуноҳлар қонини тўккан жаллодлар қилмишига яраша жазо оладиган кун яқин. Завол кетган умрлар руҳи уларни тинч қўймайди!

Анорбой ҚЎЗИБОЕВ,
Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар уюшмаси, 2-ширкат раиси.

ЎРИМ

Мамлакатимизнинг бепоён ғаллазорларида мўл ҳосил етиштирилди. Уни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олайлик

Бепоён далаларимизда ғалла пишиб етилди. Жанубий вилоятларда ўрим-йиғим ҳам бошланиб кетди. Қизғин палла арафасида Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги махсус қарори айни муддао бўлди.

Қарор ва ижро

Қарорда белгиланган чора-тадбирлар бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Масалан, комбайннинг иш унуми ва сифати кўп жиҳатдан бошоқдаги доннинг етилганлиги, унинг ҳосилдорлиги ва умуман, ғалла майдонларининг ҳолатига боғлиқдир. Бас, шундай экан, далага комбайн кириши олдидан туман комиссияси иштирокида хўжалик ва МТПларга юборилган йўриқномаларга асосан ғалланинг ҳосилдорлигини ва унинг агрономик кўрсаткичларини чамалаб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Зеро, бу кўрсаткичларга қараб аввало ҳосилни йиғиштириб олиш усули танланади. Бошоқлардаги дон тўлиқ пишган ва қуруқ, дала бегона ўтлардан ҳоли бўлса, буғдой комбайнлар ёрдамида бир йўла ўриб-янчиб олинади. Аксинча, ўт босган, дони бирдай етилмаган ва бошоқларидан осон тўкилиб кетадиган ғалла поялари дастлаб жатка осилган агрегат билан ўриб ерга марза шаклида уюмлаб кетилади. Уюмлардаги дон пишиши ва қуриши биланоқ ғалла йиғиштиргичли комбайнлар

(Давоми 2-бетда)

БЕДАЗОРДА БЕДАНА ОВЛАГАНМИСИЗ?

Уйғунлик

Тасаввур қилинг, эрта тонг билан тиззага урадиган, тунги марваридлар қўнган, қарасангиз, кўзни яшиллиги билан қувонтирадиган бедазордан кетаяпсиз. Оёғингиз тагидаги гиёҳларга эътибор қилганмисиз, табиатда йўқолиб бораётган ҳамма наботот шу ерда! Зубутрум дейсизми, қоқи, туятавон, яшил нухат, исмолоқ, ялпиз, отқулоқ... Туйқусдан оёғингиз тагидан беданалар потирлаб учиб қолади.

Бобом айтгувчи эди, йўнғичкани орасида, яқинида ухлаб яшаб юрган одамнинг умри 15-20 йилга узаяди деб... Фақатгина шуми?

— Беда алмашлаб экишнинг асоси, пахтанинг эса тенги йўқ йўлдоши. Теварак-атрофимиз — табиатимиз ифлосланиб, ҳар гектар ерга аямай кимёвий ўғит солинивериб бемор бўлиб қолган заминимизни йўнғичқа даволамаса, бошқа «шифокор» бу ишни қилолмайди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатгай қишлоқ хўжалик ходими, таниқли агроном Муродулла ака Бобоев.

— Йўнғичка чорва моллари учун ғоят хушхўр озуқа ҳисобланади, —дейди қилни қирқ ёрадиган зукко чорвадор Суюн Қаршиев. — Шу боисдан беда турган ерда чорва ҳатто емга қарамай қўяди, чунки унинг таркибида — пичан ҳолатда 15-16 фоиз оқсил, минерал моддалар, турли дармондорилар бор.

Олимларнинг айтишларига қараганда, икки килограмм беда бир килограмм сулига тенг. Бир килограмм бедада 40 грамм протеин моддаси бор...

Энди ўйлаб кўрайлик: бу соҳа эътиборимиздан четда қолмаяптими? Энг аввало беда уруғчилигини ривожлантириш замирида чорва учун тенгсиз озуқа, она замин учун малҳам, табиатга гўзаллик, далалар учун кўрк яшириниб ётганини унутмайлик.

Бугун йўнғичқа уруғини тайёрлаш учун қанчадан-қанча қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келади. Қум заррасидек қўнғир яшил уруғни олиш учун қанча жон қуйдириш керак. Ўраётган чоғда комбайн галадонида игнадек тешик бўлса тўкилади. Автомобиль билан хирмон жойи

(Давоми 2-бетда)

«Мунозара»нинг акс-садоси

ТОМОРҚАДАН МАШИНА ОЛДИМ

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг шу йил 28 май сонида чоп этилган «Оёқ остидаги хазина» сарлавҳали мақолани ўқиб, қиш фаслида ўз томорқасида сархил бодринг ва помидор етиштирган муаллим йигитнинг тадбиркорлигига ажабланмадим.

Бунинг нимаси қийин. Ҳаммаси ақлни ишлатиб, меҳнатдан бўйин товламасликка боғлиқ. Фақат айрим кишилар катта-катта томорқаларга эга бўла туриб ҳам уни қадрига етишмайди. Ердан фойдаланишни билишмайди.

Натижада доим қийинчиликдан нолиб, зориқиб юришади. Мен қишлоғимизда шундай кишилар борлигини биламан. Уларга баъзан танбеҳ бераман. Ўзим туман халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишлайман. Асосий даромадим томорқадан. Ундан чиққан маблағ билан фарзандларимни уйли-жойли қилдим, тўйлар ўтказдим. Миниб юрган машинамни ҳам томорқага экилган эртапишар махсулотларни сотиб, пулини жамғариб олганман. Шу кунларда аёлим Гулистон шаҳар бозорида сархил картошка сотяпти. Ҳар куни 10-13 минг сўмгача савдо қилиб келмоқда. Худога шукр, дастурхонимиз тўкин, рўзғоримиз бут. Чунки айрим одамлар қишда иссиқ хонага кириб олиб, деразадан томорқасидаги қорни завқланиб томоша қилиб ёнбошлаб ётганида, биз қалин кийиниб олиб меҳнат қилдик. Мана энди меҳнатимиз роҳатини кўраяпмиз.

Сафарали АЗИМОВ,
Гулистон тумани «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалиги.

МЕҲНАТДАН ҚОЧМАСЛИК КЕРАК

Мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда ғоят долзарб масала кўтарилган. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқларда томорқалардан фойдаланиш бугунги кунда жуда ачинарли

(Давоми 2-бетда)

БУНАҚА ЭМАС-ДА, ЭНДИ!

ЁКИ ХЎЖА КЎРСИНЛИКДАН КИМГА ФОЙДА?

Луқма

Хўжаликдан ўн гектар ерни ижарага олиб, оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган деҳқон эрталаб фарзандларини барвақт уйготди.

— Яганадан чиқазилмаган икки гектаргина еримиз қолди, болаларим, — деди у, нонушта қилишаркан дастурхон атрофида ўғил-қизлари, келину набираларига юзланиб. — Бугун ҳам астойдил ҳаракат қилсак, шу билан катта довондан ўтиб оламиз, қани бўлақолийла...

Ҳаммалари мана шу даъват билан барвақт дала бошига келиб ишни бошлаб юборишди. Қуёш ётогидан эндигина бош кўтараётган маҳалда улар анчагина майдондаги ғўзани яганадан чиқазиб қўйишганди. Шу пайт кутилмаганда қаердандир бригадир билан хўжалик бош ҳисолоти шошганча халлослаб келиб қолишди.

— Э, Нормурод ака, ҳайтовур далада экансизлар, - негадир талвасага тушиб биринчи гап бошлади бош ҳисолот ҳорма, бор бўлни ҳам насия қилиб.

— Туманимизга вилоят ҳокими келаётганмиш. Болаларингизни олиб, тез катта йўл бўйидаги пайкалга ўтиб, ишлаб турингилар. Анови катта ўғлингизга оҳак билан супурги беринг. Йўл бўйидаги тутлар танасини оқлагандай бўлиб турсин. Қани тезроқ қимирланг. Бу гапдан ижарачи деҳқон авваллига ажабланди. Сўнг, бир оз тараддудланиб турди-да, вилоят ҳокими келса нима қипти, — деди ҳайратини яширолмай. — Биз йўл бўйидаги пайкални уч кун аввал бегона ўтлардан тозалаб, яганадан чиқазиб бўлганмиз. Тутларни ҳам ўтган ҳафта оқлаб қўйганмиз-ку?

— Э, бўлмайсизми, намунча имиллайсиз, — унинг гадиги

(Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

Эркин меҳнат нима беради? Бир жамоа мисолида таҳлил

Вазият: маҳсулот тайёр, харидор йўқ

Чаққонов «чаққонлик» қилолмади

ЎРИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

воситасида саранжомланади.

Комбайнларнинг иш унумини ошириш ва ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишда уларни ўрим-йиғим гуруҳларига жамлаб ишлатиш катта аҳамиятга эгадир. Шу боис, мавжуд 6551 комбайн 1485 гуруҳга ажратилган. Гуруҳларнинг ҳар бирига кўчма техника хизмати кўрсатиш машиналари, дон ташиш автомобиллари, ёнилғи қуйиш ва пайвандлаш агрегатларининг бириктириб қўйилиши комбайнлардаги носозликларни даланинг ўзидаёқ бартараф этиш, бункерлардаги ғаллани зудлик билан бўшатиб олиб қабул пунктларига етказиш имкониятини беради.

Маълумки, «Кейс» комбайнлари ва Россияда чиқарилган комбайндан турлича самарадорликка эга. Шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиб ишлатиш мақсадга мувофиқдир. «Кейс» ва «Клаас» комбайнларидан ҳосилдорлиги юқори бўлган далаларда, қолган комбайнлардан ғуза қатор ораларида ўстирилган ва ётиб қолган ғаллани йиғиштириб олишда фойдаланилса самара янада юқори бўлади.

Ўрим-йиғим суръатини оширишнинг омилларидан бири комбайнларни кечаси ҳам юқори унум билан ишлатишдир. Бунга нафақат комбайнларни, балки кўчма устахоналарни, ёнилғи қуйиш ва пайвандлаш агрегатларини, транспорт воситаларини иккитадан механизатор, ҳайдовчи, чилангарлар билан бутлаш, уларни дам олишлари учун етарли шароитларни яратиш орқалигина эришиш мумкин.

Бу йилги мавсумнинг эътиборга молик томонларидан яна бири — бу зарур уруғлик фондини яратиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланганлигидир. Шулардан муҳими уруғчилик хўжаликларида етиштирилган навли уруғлар «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси корхоналари томонидан оширилган нархлар бўйича харид этилади. Масалан, товар доннинг бир тоннаси ўртача 15840 сўмга, супер элита уруғининг бир тоннаси 63360 сўмга, биринчи репродукцияли уруғ эса 39600 сўмга сотиб олинади.

Таъкидлаш жоизки, оширилган нарх дон топширувчига ҳам, уни қабул қилиб олувчига ҳам катта масъулият юклайди. Уруғлик дони энг аввало касалланмаган ва тўлиқ пишган бўлиши зарур. Уруғлик ичида пуч, шикастланган донлар ва заҳарли ўт уруғларининг бўлишига, ташиш ва қабул қилиш пайтларида бошқа хилдаги ғаллага аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бир сўз билан айтганда, дон уруғлигининг талаб этиладиган сифат кўрсаткичларини таъминлаш, бундай донни тайёрлаш ва қабул қилишда белгиланган меъёр ва қоидаларга сўзсиз амал қилиш зарур.

Сир эмаски, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ва сифатли йиғиштириб олишда комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йиғимда банд бўлган бошқа ходимларга иш ҳақларини ҳар беш кунда тўлаб бориш, уларни моддий рағбатлантириш муҳим омиллардан саналади.

Хўжалик ва МТП раҳбарлари ходимларга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришни тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги томонидан маъқулланган тавсияларга изчил риоя қилишлари талаб этилади.

Тавсияларда ўрим-йиғим қатнашчилари меҳнатига нақд пул билан ёки дон, яъни маҳсулот билан ҳам тўлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Шуни эсда тутиш лозимки, меҳнатга маҳсулот билан ҳақ тўлаш хўжаликлар томонидан «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси корхоналарига дон сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилган, белгиланган уруғлик фонди ғамланган ва қолган маҳсулот омборга кирим қилингандан кейингина амалга оширилади.

Хўжалик, МТП ва тегишли ташкилот раҳбарлари ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўрим иштирокчилари меҳнатига қўшимча ҳақ белгилашлари мумкин.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришда иш унумининг ва ҳосил ўрим-йиғими сифатининг кўрсаткичлари асосий мезон ҳисобланади. Мавсум давомида «Кейс» комбайнларининг кундалик иш унумини 20 гектардан, оддий комбайнларнинг иш унумини 5 гектардан оширишга эришган, ерга дон тўкилишини кескин камайтирган, техника ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини бузмаган комбайнчилар меҳнати муносиб баҳоланади.

Маълумки, комбайннинг иш унуми ва сифати комбайнчи билан бир қаторда дон ташиш машиналари ҳайдовчилари, таъмирловчи ва техник хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳам боғлиқдир. Шу боис, мавсум давомида уларни ҳам рағбатлантириб бориш муҳимдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларида етиштирилган ғалла ҳосилининг асосий қисми МТПлар томонидан ўриб-йиғиб берилмоқда. МТПларнинг бу борада кўрсатадиган хизматлари ҳажми жорий йилда янада ортади, чунки 2200 хўжалик ва 5 мингдан кўпроқ фермерлар билан шартномалар тузилган.

Шартнома шартлари бўйича иш бажарувчи — МТПлар буюрмачилар, яъни хўжаликларнинг ғалласини оби-тобида нобуд қилмасдан ўриб бериш, хўжаликлар эса кўрсатилган хизмат ҳақларини кечиктирмай тўлаш мажбуриятларини олганлар.

Дон сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган хўжаликларга МТПлар томонидан ўрим-йиғимда кўрсатилган механизация хизматлари учун ўз ихтиёрларида қолган дон билан ҳисоб-китоб қилишларига рухсат берилди. «Ўзқишлоқтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш Жамғармаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган ва жойларга етказилган «Тартиблар»га мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоблар хўжалик (буюртмачи, дон эгаси) — МТП (иш бажарувчи) — тайёрлов корхонаси (дон қабул қилувчи) асосида бажарилади.

Дон ризқу-рўзимиз. Донга бой мамлакат бақувват, одамлари тўқ бўлади. Дастлабки натижалар мўл ҳосилдан нишона бермоқда. Аммо халқимизда «даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб» деган нақл бор. Бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилсак, қисқа фурсатларда даладаги ғаллани омборга тушириш учун барча имкониятлар мавжуд.

М. ТОШБОЛТАЕВ,
«Ўзқишхўжтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси бошқарма бошлиғи.
А. ҲАКИМОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи.

ИШТИХОН КОНСЕРВАСИ ИТАЛИЯЛИКЛАР НИГОҲИДА

Масъулияти чекланган «Иштихонконсерва» ҳиссадорлик жамияти корхонасида 60 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилганда, корхона фаолиятини ўртамиёна деб баҳолаш мумкин. Бироқ корхона раҳбари Толиб ҳожи Аҳмедовни бу ҳолат қониқтирмади. Корхона қувватини ошириш, иш ўринларини кўпайтириш, маҳсулотни хорижга олиб чиқишдек эзгу фикр-ўй унга тинчлик бермади.

Шу мақсадда туман ҳокимлиги, вилоятдаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкилий ишлар олиб борилди. Гоҳ у, гоҳ бу идорага елиб-югуришга тўғри келди. Ҳамма гап маблағга бориб тақалгач, «Миллий» банк кредит ажратишдан аввал ушбу корхона фаолияти билан танишиб чиқадиган бўлди. Эзгу иш илинжида юрган раҳбарнинг дилида умид учқунлади.

Аммо яна муаммо пайдо бўлди. Жамоа корхонаси томат-паста ва мева қайлаканини ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаш учун «Осиё ривожлантириш банки» ва «Миллий» банкдан 2 миллион 514 минг 699 АҚШ долларини ва 350.000 АҚШ долларига тенг миқдорда сўм ҳисобида кредитлар олиши зарур эди. Ўз навбатида лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ва молиялаштиришни бошлаш учун жамоа томонидан кўпгина масалалар ҳал этилиши лозим эди.

Корхонанинг айланма маблағлари 650.000 АҚШ долларини ташкил этиши, асосий воситалари олинадиган кредитга баробар бўлиши шарт. Ана шу муаммо туфайли жамоанинг режаси пучга чиқадиган бўлиб қолди.

Замон — изланганники

— Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни бошлашда айни муддао бўлди. — Шундай қилиб, «Бизнесфонд» билан ҳамкорлигимиз ускуналар сотиб олиш ва тармоқни ривожлантиришимизга 'йўл очди, — дейди корхона раҳбари.

Дарҳақиқат, елиб-югуришлар зое кетмади, асосий масала-маблағ муаммоси ҳал бўлди. Италиянинг «Сасибфуд» фирмаси билан ҳам шартнома тузилди. Унга кўра фирма вакиллари асбоб-ускуналарни ўрнатиб, ишга тушириб бериши керак. Бунинг учун тўлиқ таъмирланган бино, шарт-шароит мавжуд. Хуллас, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилгач, корхонада суткасига 200 тонна помидор, 120 тоннагача мева-чевани қайта ишлаш имкони яралади.

Эндиликда корхона тумандаги хўжаликлар билан маҳсулот етказиб бериш борасида истиқболли шартномалар тузган. Насиб этса, жорий йилдан «Иштихонкорсерва» маҳсулотлари ҳам хорижга чиқадиган бўлди. Бунинг учун барча шароитлар бор.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

Ерга мехр билан ишлов берилса, она заминимиз саховати чексиз эканлигини Чортоқ туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг А.Тиллабоев бошлиқ 15-бригадаси далаларида ҳам кўриш мумкин.

Суратда: миришкорлар Собирахон Улуғхонова ҳамда Нисохон Нажмидиновалар ўзлари етиштирган карам ҳосилидан мамнун.

А.СОЛИЕВ олган сурат.

МЕҲНАТДАН ҚОЧМАСЛИК КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

аҳволда. Сабаби кўпчилик одамлар ўз хонадонларида бўлган бу даромад манбаидан тўғри фойдаланишни билишмайди. Ернинг умрини ўтказиб, арзимас нарсалар экиш билан кифояланиб юришади.

Аслида ишни кўзини билганга томорқа ҳақиқатдан катта хазина. Ундан тўғри ва оқилона фойдаланиб, ҳам рўзғорни тўлиқ таъминлаш, ҳам керагича бойлик орттириш мумкин.

Биз хонадонимиз аъзолари билан бу имкониятлардан самарали фойдаланмоқдамиз. 40 сотихга етар етмас томорқамиз бор. Ундан ҳар йили ярим миллионга етказиб даромад оламиз десам эҳтимол кўпчилик ишонмас. Лекин мен ишни кўзини биладиган айрим томорқа эгалари 30 сотих ердан бундан ҳам кўпроқ даромад қилаётганликларини биламан.

Ҳамма гап омилкорликда. Қишда плёнка остида турли кўкатлар ва кўчат етиштирамиз. Баҳорда томорқамизнинг акарият қисмига помидор экамиз, ортиб қолган кўчатни бозорга чиқариб сотамиз. Помидор ҳосили тугар-тугамас орасига картошка қадаймиз. Ундан ҳам мўмай даромад оламиз. Бозордан фақат ёғ, шакар харид қиламиз холос. Қолгани гўшт, тухум, сутқатиқ, ҳамма-ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Экинларни орасидан чиқадиган бегона ўтлар чорва ва паррандаларимизга озуқа бўлади. Хуллас томорқа катта хазина, фақат инсон жонини қойитиб, ишлаш керак. Ўз ойласи, рўзғорини бут қилишни истаган ҳар бир томорқа соҳиби бунга амал қилса натижасини албатта кўради ва ишонч ҳосил қилади.

Йўлдош ҚЎЧҚОРОВ,
Пискент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси.

РАҚОБАТ

ёхуд икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнаши мумкинми?

КИМНИНГ ТИЗЗАСИ ҚАЛТИРАЙДИ?

Бугун қайси автокорхона ҳайдовчиси билан суҳбатлашманг, улар нонларини яримта қилаётган рақобатчиларидан нолишади. Зиммаларидаги режаларнинг бажарилмай қолаётганига гўёки рақибларини айбдор қилиб кўрсатишади. Инкор этмайман, бу гапда жон бор. Якка тартибда ишловчи ҳайдовчиларга маълум имтиёзлар берилгани давлат автокорхоналарининг тушум режасига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам рост. Бироқ илож қанча? Бозор иқтисодиёти ўз темир қонунлари билан яшайди:, рақобатда шафқат бўлмайди. Айни чоғда, айбни бировга ағдариш билан иш битмайди. Одам кимгадир ноғора қоқишидан аввал ўзига боқса, зарар қилмайди. Негаки, тушум режаси ҳаводан олинмайди. Бундан олдин ҳар бир қатнов йўналишидаги йўловчилар оқими мутасадди ташкилот-идоралар томонидан обдон ўрганилади. Ҳақиқий ҳолат атрофлича таҳлил этилади. Сўнгра амалга оширилган меъёрлаш натижалари асосида режа тасдиқланади.

Бас, шундай экан, нега баъзан режа тула-тўкис адо этилмайди?

Назаримда, бу ҳолатнинг асосий сабабчилари рақобатчилар эмас, балки автобус саройлари ҳайдовчиларининг ўзлари. Очиғи, уларнинг ҳаммаси ҳам бурч—вазифаларни ҳалол адо этмайдилар. Йўлкира ҳақини, кези келганда, мижозлар билан ёқалашиб-уришиб бўлса-да, тийинтийинигача санаб олишади-ю, негадир шунга яраша чипта йиртишмайди. Гоҳ умуман беришмайди. Бу жиҳатдан қайтим қайтаришни «эсидан чиқариб қўядиган» ёхуд нуқул ўз фойдасига «адашиб кетадиган» эгриқўл савдо ходимларига ўхшаб кетишади.

Ишонмасангиз, ўзингиз эринмай бир кузатинг: катта бекатлардан узоқ йўлга чиқаётган автобусларнинг аксариятида албатта бир-иккита чиптасиз йўловчи топилади. Шунга қарамай, ҳар қандай вазиятда ҳам, уларнинг ўтирар жойлари тайин бўлади. Нечанчи ўринни эгаллашларини уларни «овлаган» ҳайдовчининг ўзи олдиндан секингина қулоғига шипшитиб қўяди. Бу борада баъзан ҳамма ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаш учун «Осиё ривожлантириш банки» ва «Миллий» банкдан 2 миллион 514 минг 699 АҚШ долларини ва 350.000 АҚШ долларига тенг миқдорда сўм ҳисобида кредитлар олиши зарур эди. Ўз навбатида лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ва молиялаштиришни бошлаш учун жамоа томонидан кўпгина масалалар ҳал этилиши лозим эди.

Корхонанинг айланма маблағлари 650.000 АҚШ долларини ташкил этиши, асосий воситалари олинадиган кредитга баробар бўлиши шарт. Ана шу муаммо туфайли жамоанинг режаси пучга чиқадиган бўлиб қолди.

Замон — изланганники

— Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни бошлашда айни муддао бўлди. — Шундай қилиб, «Бизнесфонд» билан ҳамкорлигимиз ускуналар сотиб олиш ва тармоқни ривожлантиришимизга 'йўл очди, — дейди корхона раҳбари.

Дарҳақиқат, елиб-югуришлар зое кетмади, асосий масала-маблағ муаммоси ҳал бўлди. Италиянинг «Сасибфуд» фирмаси билан ҳам шартнома тузилди. Унга кўра фирма вакиллари асбоб-ускуналарни ўрнатиб, ишга тушириб бериши керак. Бунинг учун тўлиқ таъмирланган бино, шарт-шароит мавжуд. Хуллас, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилгач, корхонада суткасига 200 тонна помидор, 120 тоннагача мева-чевани қайта ишлаш имкони яралади.

Эндиликда корхона тумандаги хўжаликлар билан маҳсулот етказиб бериш борасида истиқболли шартномалар тузган. Насиб этса, жорий йилдан «Иштихонкорсерва» маҳсулотлари ҳам хорижга чиқадиган бўлди. Бунинг учун барча шароитлар бор.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

БЕДАЗОРДА БЕДАНА ОВЛАГАНМИСИЗ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

га ташиш машаққатичи? Неча марта ғалвирдан ўтказасиз, шамолга совирасиз, шундан кейингина уруғлик тайёр бўлади. Тўланадиган ҳақига келганда деҳқон, аттанг бошқа экин экканимизда бунча даромад қилган бўлар эдик, деб қолмаслиги керак.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг маълумотига кўра ўтган йилларда республикамизда 225 минг гектар ерга беда экилди. Бу умумий зироатчилик қилинадиган ернинг 5 фоизини ташкил этади. Бунинг учун эса 4 минг тоннага яқин уруғлик ишлатилган. Мана шу уруғнинг бир тоннадан ошиқроғини Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» номли хўжалик етиштирганлигини айтиб қолишганди. Хўжалик деҳқонлари анча йилдирки, шу мураккаб жараён билан шуғулланиб келар эканлар. Уч йил бурун хўжалик раҳбари Азимжон Аҳмаджонов билан суҳбатда бўлгандим.

— Хўжалигимизда 107 гектар майдон йўғичқа уруғчилиги учун ажратилган, — деганди ушанда Азимжон ака. — Ўтган йили 1,2 тонна ўрнига, 1,6 тонна уруғ етиштирдик. Ҳар гектаридан 90 килограмм ўрнига 145 килограммдан уруғ олдик. Сотиб, арзимаган маблагга эга бўлдик, — деган эдилар.

Унинг айтишига қараганда, ҳар гектар ердан ўша кезда 12 минг сўм атрофида даромад олинган. Бу тракторга кетган харажатни ҳам қопламаганлигини куйиниб айтганди. Шунинг учун хўжаликда беда уруғчилиги етиштиришдан воз кечишни режалаштириб тургандилар. Айтишларга қараганда, беда экилган майдонларга ғалла экилганда ҳам бедага қилинган харажатларнинг ўндан бирини қилиб, уч баравар кўп даромад олишга имконият яратилар экан.

Дарвоқе, тупроқни азот уғитига бойитиш учун бу — йўғичқа етиштиришни кенгайтиришимиз керак. Ана шунда шундоқ ҳам бир тоннаси нархи палон пул бўлиб кетган суғоришсиз минерал уғитларни кўплаб миқдорда харид қилишга ҳожат қолмайди. Иккинчидан, табиий ҳолда ернинг физик ва кимёвий ҳолатларини яхшилашда, микроорганизмларнинг фаолиятини кучайтиришга имкониятлар очилади. Пастдарғом туманидаги «Хончарбоғ» жамоа хўжалиги бош агрономи Муродулла Бобоевнинг яна гапига эътибор берсак, ҳатто минерал ўғит солиб ҳам пахта ҳосилдорлигини «пахта-беда» алмашлаб экиш даражасига етказиш қийин экан. Қарийб эллик йилдан бери пахтачилик билан шуғулланиб келаётган бу оқсоқол чўл ҳудуди шароитларида ҳам меҳнат қилиб, бедапахта алмашлаб экишни йўлга қўйганлиги учун баъзи йилларда ҳатто 55 центнердан ҳосил олганлиги бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида келтирилган кўрсатмаларни бажаришда бедазорларни, унга хос экин ва ўсимлик турларини кўпайтириш талаб қилинади деб ўйлайман. Қонуннинг тўртинчи моддасида атмосфера ҳавоси софлиги тупроқдан фойдаланиш шартларига боғлиқ эканлиги алоҳида кўрсатилган. «Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига... зарарли таъсир этишга олиб келувчи ҳаракатларни қилмасликлари шарт». Демак...

Бу сўзлар замирида онатабиатимизга муҳаббат ҳислари омухта бўлиб кетган. Атроф-муҳитни таббий йўл билан бойитишда имкониятлари беқиёс бўлган — беда экишга эътиборни кучайтираверайлик. Бу — ҳам озуқа, ҳам унумли замин, ҳам мусаффо иқлим, ҳам гўзаллик демакдир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ



Манзиллар, узоқ манзиллар. Бу қадим йўлларда нечанинг кишиларнинг излари қолган. Ёмғир Ҳайдаров ўттиз беш йилдан буён ҳайдовчилик касби нонини емоқда. Нишон туманидаги Чўли Бегимқулов номли пайчилик жамияти жамоаси орасида обрў-эътибор топди. Оила соҳиби сифатида маҳаллада ўз ўрни бор. Унга «Йўлингиз бехатар, топганларингиз тотли бўлсин», дейдик.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

БУНАҚА ЭМАС-ДА, ЭНДИ!

ЁКИ ХЎЖАКЎРСИНЛИКДАН КИМГА ФОЙДА?

(Давоми. Боши 1-бетда)

раиснинг буйруғи. Туман ҳокими қаттиқ тайинлабди. Бир сизни эмас, далани айланиб ҳаммани йўл бўйига чиқазаяпмиз. Ўша ерда озгина ғимирлаб турсак, ўтади-кетади. Одамлар ишлаётганини кўриши керак, вассалом. Кейин яна қайтиб, келиб ўз ишларингизни давом эттиравересизлар, тушундизми?

— Нимага керак бунақа ёлғон манзират, — жаҳли чиқиб жавоб қайтарди яна деҳқон. — Бугун ишимиз бу ерда-ку. Йўл бўйида нима қиламиз ахир?

— Бу қатъий буйруқ, билдизми, қани қимирланг тезроқ. У шундай дея қандай тез келган бўлса бригадирни эргаштириб яна шундай чопганча қайтиб кетди. Деҳқон ноилож фарзандларини эргаштириб, вилоят ҳокими ўтадиган катта йўл бўйига ҳараб юрди. Хўжаликнинг ҳамма аъзолари ўша ерда экан. Ҳар ким ўзига ажратилган майдонда, гарчи бу пайкалларда аллақачон иш тугаган бўлса ҳам хўжакўрсинга ивирсиб юришарди.

Раис ҳам шу ерда экан. Шу алпозда орадан роса уч соат вақт ўтса ҳамки, орзиқиб кутаётган вилоят ҳокими ўтмасди. Тушлик маҳали ҳам яна озгина сабр қилинглар деб тарқалишга рухсат беришмади. — Шунда ўзлари тушиб олган эгатларнинг ёлғондан гоҳ у бошига, гоҳ бу бошига бориб келавериб зериккан деҳқонлар, чопиқчи аёллар энсалари қотиб бир-бирларига хўрсиниб гапира бошлашди.

— Қани энди вилоят ҳокими ўтаётиб шу ерда шартта тўхтаса-ю, дардимизга қулоқ солса, дейишарди улар. — Бу сохта иккиюзламачиликларни айтиб, раҳбарларни боплаб фош қиларди-ку-а. Бу қанақаси ахир, роса ярим кун вақтимиз бехуда кетди-ку.

— Мен мана бу қуриган мевали дарахт кўчатларини кўрсатардим, шеригини қувватлади иккинчи бир аёл. Қаранглар, ҳаммаси увол бўлиб кетди. — Аввал йўл бўйича ўтқаздиришди, кейин энди кўкарай деб турганда бошқаси келиб қайтадан ковлатиб-ичкарирокқа кўчиришди, ана ҳаммаси қуриди-қолди, эссиз шунча пул.

— Э, ҳамматаринг хом хаёлсизлар, — гапга аралашди бошқа бир деҳқон. — Кимсан ҳоким келиб-келиб шу ерда тўхтармиди...

Шу маҳал узоқдан елдай учиб келаётган қора рангли ГАЗ-31 русумли енгил автомашина кўринди-ю, кутилмаганда ҳамма жим бўлиб қолди. Машина эса ғизиллаганча катта тезликда деҳқонларнинг олдидан ҳаммани одатдагидай лол қолдириб шитоб билан ўтиб кетди. Раис бош ҳосилотга қараб «отбой» деди. Ўзи чопиб бориб, машинасига ўтирди. Ҳосилот эса дарҳол очиқиб, зерикиб кетган деҳқонларга қулини силтаб бўлди, кетаверинглар ишорасини билдирди. Буларнинг ҳаммаси шунчалик тез рўй бердики, бор-йўғи икки дақиқа лозим бўлди. Шу билан вилоят ҳокимини йўл бўйида меҳнат қўйнида кутиб олиш «маросими» ниҳоясига етди. Одатдаги меҳнат мароми изга тушди...

Ушбу воқеага қайси вилоятда дуч келганимизни айтмай қўяқолдик. Аслини олганда бу ҳол деярли барча вилоятларда учраб туради, десак хато бўлмаса керак. Раҳбарнинг обрў-иззатини жойига қўйиш, унга тегишли ҳурмат бажо келтириш керак, албатта. Бу — маданиятлилик белгиси.

Аммо анавинақа қилиб эмас-да!.. Ахир хўжакўрсинчиликнинг турган-битгани зарар-ку.

Иброҳим ТОШЕВ.

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

АНДИЖОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Андижон аҳли шижоатли, яратувчан, янгиликка ўч, ўз сўзи ва ориятини барча нарсадан устун қўядиган, юксак маданиятли халқдир. Бу кўҳна замин, бу қадимий халқ кўп нарсага қодир. Андижоннинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида тутган ўрни беқиёс.

Ислом КАРИМОВ.

ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Андижон ва андижонликлар учун мустақиллик имконият эшикларини очиб берди. Азалдан меҳнаткашлиги, миришкорлиги ва тадбиркорлиги билан ном қозонган, аммо мустабид тузум даврида ўз салоҳиятларини намоён этолмаган вилоят аҳли мустақиллик ҳавосидан баҳра олиб, қатъий интизом, юксак масъулият билан меҳнат қилиб, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Мана бир неча йилдирки, вилоятнинг моҳир пахтакорлари чигитни плёнка остига экиб, мўл, сифатли ва эртаги пахта етиштиришга эришмоқдалар. Бугунги кунда бу янги технология мамлакат миқёсида оммалашиб кетганлиги, вилоят ғаллакорлари на фақат ўзлари учун балки, бугун республика хўжаликлари учун сара уруғлик дон етказиб бераётганликлари бу ҳеч шубҳасиз мустақиллик шарофатидандир. Ана шу мустақиллик, ана шу эмин-эркинлик боис тилимизда «Андижон технологияси», «Экишнинг андижонча усули» деган иборалар пайдо бўлди ва ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Андижон аграр ҳудуддан саноат-аграр ҳудудга айланди. Бугун «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар на фақат ўзимизга, балки, олис хорижий давлатларда ҳам суюб харид қилинмоқда. Ҳа, саноатга чет эл сармояларини жалб этиш ва «ЎзДЭУавто» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши, ҳаракатдаги корхоналарда қайта техникавий жиҳозлаш ишларини амалга оширилиши, рақобат бардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга замин яратди.

Вилоятда 1998 йилда 1992 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тақослама баҳоларда 11, 2 марта, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 5, 3 мартага кўпайди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилди. Вилоятда ер майдонларининг чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда ундан унумли фойдаланиш, деҳқончиликнинг илғор усулларини жорий этишда муайян ишлар қилинди. Пахта хом ашёси тайёрлаш ҳажмларини камайтирмаган ҳолда дон, картошка, сабзавот ва бошқа турдаги ноз-неъмат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин кўпайтирилди. Жумладан шу давр мобайнида дон ишлаб чиқариш 3 мартага, унинг ҳосилдорлиги 2 мартага кўпайди. Ўтган йили вилоят бўйича 440,8 минг тоннадан зиёд дон тайёрланиб, ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 70,1 центнерни ташкил этди. Ғўшт ишлаб чиқариш барча хўжалик тоифалари бўйича қарийб 10 фоизга, сут 8 фоизга, жун 16 фоизга ортди.

Вилоят иқтисодиётининг таркибий ўзгаришида, инвестиция фаолиятининг кенгайиши ва унинг босқичма-босқич ўсиб бориши катта аҳамият касб этди. Ўшбу давр оралигида вилоят иқтисодиёти учун муҳим бўлган ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари қуриб фойдаланишга топширилди. 1991—98 йиллар мобайнида хорижий шериклар билан ҳамкорликда 80 та қўшма корхона тузилди. Йилига 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқарадиган ЎзДЭУавто Ўзбекистон—Корея, 4000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга «Алишер Навоий интернешин» Ўзбекистон—Америка, 5750 тонна лакли бўёқ ишлаб чиқарадиган «Ўз-Донг Жу Кейнт» Ўзбекистон—Корея, 15 минг тонна полиэтиллен плёнка ишлаб чиқарадиган «Андижон полиэтилен» Ўзбекистон—Америка қўшма корхоналар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фақатгина ўтган йилда қўшма корхоналар томонидан қарийб 53 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди. Уларнинг вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидаги салмоғи 61 фоиздан кўпроқ бўлди.

Халқ хўжалиги тармоқларида эришилган ютуқларга мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилганлиги, уни ўз эгаларига топширилганлиги катта омил бўлди. Хусусийлаштириш бошланган даврдан бери вилоят бўйича 4700 дан зиёд иншоот давлат тасарруфидан чиқарилди. Фақатгина 1997—1998 йиллар мобайнида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 340 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. Кейинги йилларда вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари сезиларли кенгайди. 1998 йилда унинг ташқи савдо айланиши қарийб 579 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 1992 йилга нисбатан 12,5 мартага кўпайди.

Муҳтарам юртбошимизнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган сўзларидан келиб чиққан ҳолда вилоят, шаҳар, қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар, мактаблар, коллежлар қурилишига катта эътибор бериляпти.

Хуллас, андижонликларнинг бугунги ютуқлари, изланишлари, эртанги эзгу умидлари ҳақида ҳар қанча фахрланиб ёзсак арзийди. Келинг, энди сўзни мухтасар этиб, шу юрт кишиларидан айримларини суҳбатга чорлайлик.

МУЛК ЎЗИНГНИКИ БЎЛГАНИГА НИМА ЕТСИН,

дейди Кўрғонтепа туманидаги «Аваз» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Комилжон Содиқов

Мустақиллик бугунги қишлоқ кишисига кўп нарса берди. Одамларда ерга эгалик ҳисси вужудга келяпти. Қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланмоқда.

Узоққа бормай ўзимиздан мисол келтирадиган бўлсам, ишни бундан беш-олти йил муқаддам, банкдан қарз олиб 15—20 бош қорамол, 5—10 бош қўй сотволишдан бошлаган эдим. Мулк ўзингники бўлгандан кейин чин юракдан, астойдил меҳнат қиларкансан одам. Ўзи ҳам оила аъзоларимиз билан тиним билмай ишладик. Меҳнатларимиз натижаси кўриниб қолди. Эндиликда ҳалол меҳнат қилиб яратаётган бойлигимиздан ҳам ўзимиз, қоларверса, бошқалар ҳам манфаатдор бўляпти. Бугунги деҳқон-фермер хўжалигимизда 134 бош қорамол, шу жумладан 28 бош сигир, 50 бош қўй, 150 бош парранда, уч бош от бор. 35 гектардан зиёд майдонга озуқа экинлари экканмиз. Шу кунгача ўз эҳтиёжимиздан ташқари аҳоли дастурхонига уч тоннага яқин ғўшт, 36 тонна сут етказиб бердик. Ҳар бош сигирдан тўрт ой ичида 1535 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олдик. Давлатимизнинг деҳқон-фермерларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан руҳланиб хўжалигимизни янада кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

72 ЦЕНТНЕР – ОХИРГИ МАРРА ЭМАС,

дейди Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мамажон Ҳамроев

Республикамиздаги кўплаб деҳқонлар, ҳамкасбларимиз бизга ҳавас билан қараб, ишимизни кузатиб туришгани зиммамизга катта масъулият юклаяпти. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, илғор технология, кўп йиллик тажрибаларни қўллаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ўзининг ижобий самараларини беряпти.

Ўтган йили 608 гектар майдонга пахта, 419 гектар майдонга ғалла эккан эдик. Пахтанинг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 44 центнердан хирмон кўтардик. Ғалланинг ҳар гектаридан эса 55 центнер ўрнига 72 центрендан ҳосил йиғиштириб олдик. Ишлаб чиқариш режасини ошириб бажарганимиз туфайли пудратчи-деҳқонларимизга 991 тонна дон тарқатдик. Ҳар бир хонадонга 500—600 килограммдан буғдой кирди.

Бу йилги режаларимиз чакки эмас. 644 гектар майдондаги ғўза гуркираб ўсяпти. 410 гектар ғаллазорда ҳосил пишиб етилди. Бугун эрта ўримни бошлаймиз. Пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан, ғалладан эса камида 70 центнердан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Етиштирилган пахтамизни ҳам, ғалламизни ҳам юз фоиз уруғлиққа сотамиз. Бу улкан даромадимиз янада мўл бўлади.

ПАҲЛАВОНЛАР ЮРТИ БУ,

дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Маъмуржон Икромов

Республикамизда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳеч қачон бу қадар катта эътибор берилган эмас. Сўнгги йилларда шаҳар қишлоқларимизда янгидан-янги спорт иншоотлари қад ростлади. Мамлакатимизнинг пойтахти Тошкент катта спорт анжуманлари ўтказиладиган марказга айланиб қолди. Юртимиздан дунёга довруғ таратган жаҳон чемпионлари, спорт юлдузлари етишиб чиқди.

Андижонда ғаллачиликда тажриба мактаби яратилган. Бу борада Кўрғонтепа туманида Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоларининг муносиб ҳиссалари бор. Суратда: хўжаликнинг илғор ғаллакорлари Турсуной Тошматова, Нилуфар ва Ортикой Восиловалар.

Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳаётидан лавҳалар.

Қатрада қуёш акс этганидек, юртимизда спорт-соғломлаштириш борасида рўй бераётган ўсиш-ўзгаришларни бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида Олтинкўл туманида, Қорасув шаҳрида янги стадион қурилди. Вилоятимиз марказидаги «Наврўз» ўйингоҳи жаҳон талаблари даражасида қайта реконструкция қилинди. Мустақиллик эълон қилингунга қадар фақатгина Қўрғонтепа туманида ва Андижон шаҳридагина биттадан теннис корди мавжуд бўлса, бугунда вилоятимизнинг 56 жойида теннис корти ишлаб турибди.

Биз андижонликлар Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Тўлқин Турғунов, Темур Туляков, Муҳаммадумар Мадаминов, Александр Дзюнзак, Алёна Аксёнова сингари жаҳонга машҳур спортчиларимиз билан ҳақли суратда фахрланамиз.

Айни кунларда шаҳар қишлоқларимизда спортнинг оммавийлигини ошириш бўйича изланишларимизни давом эттиряпмиз. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини чуқур ўрганиб, шу асосда ўз иш режаларимизни тузиб оляпмиз.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ,

дейди Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий тадқиқот институтининг директори Равшанбек Тўланов

— Институтимиз 1997 йил 25-августда Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган эди. Мана орадан икки йилга яқин вақт ўтди.

Нисбатан қисқа вақт ичида республика ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ғамхўриклари билан институтнинг моддий техника базаси яратилди. Тажриба ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришимиз учун 300 гектар ер ажратиб берилди. Сафимизга истеъдодли, изланувчан, бир гуруҳ ёш илмий ходимлар келиб қўшилди. Мана икки йилдирки, буғдойнинг 200дан ортиқ навлари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб боряпмиз. Булар орасида ўзимизнинг маҳаллий навлардан тортиб хорижий давлат навлари, Россиянинг Краснадар ўлкасидан келтирилган бир қанча истиқболли навлар бор. Буғдой навларини синаш, янги навлар яратиш бўйича Краснодар ўлкасидаги Лукяненко номли қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Буғдойнинг интенсив агротехникаси, экиш муддатлари ва нормалари, донли экинларнинг касаллик ва ҳашаротларга қарши кураш усуллари бўйича олиб бораётган ўзаро ҳамкорликдаги изланишларимиз ўз натижаларини бермоқда.

Краснодарлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда тажриба даламизда синаб кўрилиб, яхши самара берган буғдойнинг Скифянка нави республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан мамлакат миқёсида экишга тавсия этилди. Натижаси эса кутилганидан ҳам қувончли бўлди. Республиканинг ана шу серҳосил, касалликларга чидамли буғдой нави экилган далаларида ҳосилдорлик гектарига 5—6 центнерга ошиб, мамлакат миқёсида 550 минг тонна қўшимча дон етиштириш имконияти яратилди. Шундан кейин шўр, қумоқ, бўз тупроқли ерларга мос Юна навини тавсия этдик. Унинг натижаси ҳам ёмон бўлмади. Ҳозирда институтимизнинг барча вилоятлардаги шахобчаларида буғдойнинг Купава, Горлица, Дмитра, Княжка, Крошка, Ленкурим-21 каби навлари синовдан ўтказиляпти.

Институтимизда буғдой навларини оилавий танлаш, якка танлаш ўзаро ўтказиштириш усули билан республикамизнинг тупроқ иқлим шароитига мос, сувли ва камсув ерларга чидамли, истиқболли янги навлар яратиш устида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб боряпмиз. Ана шундай янги навлардан икки-учтасини республика давлат нав синаш комиссиясига ҳавола қилганмиз. Ўйлайманки, яқин орада бу навлар номланиб экишга тавсия этилади. Айни пайтда институтимизда буғдойдан ташқари дуккакли дон экинларидан соя, нўхат, чечевица, ерёнғоқ каби экинлар коллекцияси, агротехникаси бўйича ҳам кенг кўламда тажриба ишлари олиб боряпмиз.

ГУЛЛАР ВОДИЙСИГА АЙЛАНМОҚДА

Андижонда мустақиллик йилларида ажойиб бир анъана дунёга келди. Ҳар йили маълум бир мавзуда вилоят миқёсида кўрик-танлов ўтказилади. Бу иш 1993 йилда бошланган эди. Ушанда вилоят хокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Қобилжон Обидов ташаббуслари билан Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 2 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишлаб «Гулла, жон Андижоним» мавзусида вилоят миқёсида санъат ва меҳнат фестивали ўтказилган эди. Унутилган миллий урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз, шарқона турмуш тарзимиз, байрамларимиз, миллий ҳунармандчилигимиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизни тиклаш ва ривожлантиришга бағишланган бу фестивалда вилоятдаги барча мактаблар, билим юртлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, барча маҳалла қишлоқ ва туманлар жамоалари фаол иштирок этдилар.

Кейинчалик мустақилликка бағишланган бундай фестиваллар, кўрик танловлар ўтказиш анъана тусини олди. 1994 йилда ўтказилган «Меҳнатим, санъатим сенга ҳур Ватан», 1995 йилги «Ўзбекистон Ватаним маним», 1996—97 йилги «Она юртим, маҳалламда гуллар байрами», ниҳоят ўтган йилги мустақилликнинг 7 йиллиги ва оила йилига бағишлаб ўтказилган «Оилам — бахтим менинг, гузарим-тахтим менинг» кўрик-танловларида бутун вилоят аҳли фаол иштирок этди. Ғолиб чиққан жамоалар вилоят ҳокимининг «Нексия», «Тико», «Дамас» русумли енгил машиналари, ведиоиккиликлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Энг муҳими ана шундай ўтказилаётган тадбирлар туфайли қишлоқларда янги маҳалла гузарлари, гулзор-хиёбонлар барпо бўлди. Санъатга кўнгил қўйган кўплаб талантли ёшлар эл юртга танилдилар. Вилоят ҳокимлигида бўлганимизда ўтган йили ўтказилган ўша «Оилам-бахтим менинг, гузарим фахрим менинг» кўрик-танловида туфайли биргина Марҳамат туманининг ўзида 20 та маҳалла гузари қурилиб фойдаланишга топширилганини бизга фахр билан гапириб беришди.

Бу йилги вилоят миқёсида Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги ҳамда аёллар йилига бағишлаб ўтказиладиган «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» кўрик-танлови ҳам зўр кўтаринки руҳда ўтмоқда.

— Бундай кўрик танлов ўтказишдан асосий мақсад, — дейди вилоят ҳокими маданият ишлари бошқармасининг бош мутахассиси Мўминжон Абдувалиев, — энг аввало ҳар бир фуқарода Андижонни гўзал, обод гуллар вилоятига айлантириш туйғусини уйғотишдир. Шу билан бирга вилоятдаги ҳар бир хонадон, кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларни гулзорлар билан тўлдириш, кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, атроф-муҳит, сув ҳавзалари тозалиги, мусаффолигини сақлаш, бу ишларга аҳолининг барча қатламларини жалб этишдан иборат. Шу билан бирга халқ амалий санъати фолклори, урф-одатларини қайта тиклаш, она юрт Ўзбекистоннинг, Андижоннинг гўзал шаҳар ва қишлоқларини тараннум этувчи гуллар базмига хос янги қўшиқлар ва рақслар ҳамда бошқа асарлар яратилишига, янги-янги ансамбллар, хонанда ва созандаларнинг кашф этилишига эришишдир.

ХУРШИДА АМЕРИКАДА ЎҚИЯПТИ

Хуршида Узоқова Бўздан. Американинг Небраска штати Омаха шаҳридаги Крейтон университети иқтисодиёт факультетининг сўнгги босқич талабаси.

— Отам Жўравой ака пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлиб ишлайдилар. Онам Моҳиҳурахон қишлоқ поликлиникасида ҳамширалик қиладилар, — дейди Хуршида, — ўзим оиладаги тўрт фарзанднинг тўнғичиман. 1997 йили Андижон Муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳининг 3-курсида ўқиб юрганимда республика «Умид» жамғармаси танловида қатнашдим. Ва Америкада ўқиш имкониятини қўлга киритдим.

— Бизнинг ёшлардан америкалик талабаларнинг ажралиб турадиган томонлари борми? — сўрайман Хуршидадан.

— Бор, — дейди у, — америкалик талабалар ҳаётларини режали ташкил этишган. Аниқ мақсадлари бор. Пул тўлаб ўқишади. Шунинг учун ҳам сарфлаётган пулларини беҳуда кетказмасликка ҳаракат қилишади. Ўз ҳуқуқларини яхши билишади. Талабчан. Вақтдан унумли фойдаланишади. Улар учун ҳар бир фурсат ҳисобли. Гарчи шанба, якшанба кунлари бўлса ҳам шанбада бироз дам олиб якшанбада дарс қилишади. Аксарият ёшлар ишлаб ўқийди. Ўқиш ёши чегараланмаган. Биздаги ўқишнинг эрта-кечи йўқ мақоли айни америкаликларга мос тушган. Биз билан ўқиётганлар орасида 23—31 ёш ҳатто 40 ёшдан ошган талабалар бор.

— Одоб, ҳаё, андиша бобида қалай улар?

— О! Бу борада ўзимизнинг ўзбек йигит-қизларига етадигани йўқ! — дейди Хуршида.

Хуршиданинг айтишича, у шу йил декабрь ойида университетни тугаллайди. Тошкентда, марказий банкнинг бирор бўлимида ишлаш орзусида...

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

● Бугунда Андижон вилоятида 2 миллион 200 мингга яқин аҳоли яшайди. Шулардан вилоят ҳудуди 4,2 минг кв. км. Республика аҳолисининг 9 фоизи Андижонда истиқомат қилади.

● Аҳолининг 70 фоизи қишлоқларда яшайди.

● Вилоятда ҳар йили 51 мингдан зиёд ўғил-қиз туғилаётган бўлса шундан 34 мингтаси қишлоқларга тўғри келади.

● Вилоятда 18 мингдан ортиқ ташкилот, корхона, муассаса ва бошқа хўжалик субъектлари мавжуд. Шу йилнинг ўзида 6000 талабага мўлжалланган 12 та коллеж, 1 та лицей қурилади ва ишга тушади. Коллежларнинг 6 таси янги қурилса, қолган 6 таси реконструкция қилинади.

● 1992-98 йиллар мобайнида,26 минг ўринли болалар боғчалари, 784 ўринли шифохоналар, 47 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

● Шу вақт ичида 2614 км. газ, 505 км. тоза ичимлик суви тармоқлари қуриб ишга туширилди.

● Бандлик дастурига асосан бу йил 10 минг ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

● Вилоятда 746 та умумтаълим мактабларида 481 минг сувчи таҳсил оляпти. Уларга 35 минг 700 нафар ўқитувчилар дарс беряпти.

● 33 та ҳунар-техника билим юртлари бўлиб, уларда 17 минг нафар ўқувчи ўқийди.

● 688 та мактабгача тарбия муассасаларида 58,5 минг бола тарбияланяпти.

● Вилоятда 5 та олий ўқув юртлари бўлиб, 10 минг нафар талабага 948 профессор-ўқитувчилар билим беришади. 22 та ўрта махсус ўқув юрти бўлиб, 21 минг талабани ўз бағрига олган.

● Вилоятда 3 та театр, 642 та кутубхона, 7,6 миллион дона китоб хазинаси бор.

● 221 та клуб муассасалари, 2 та музей, 28 та мусиқа ва санъат мактаблари, 5 та маданият ва истироҳат боғи, «Ўзбекнаво» концерт бирлашмасининг Андижон бўлими ишлаб турибди.

● Вилоятда «Наврўз» спорт комплекси, 19 та сузиш ҳавзаси, 64 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд.

● 90 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд.

● Асакадаги ЎзДЭУавто қўшма корхонасида 1998 йилда 54. 444 та енгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг ярим йиллигида бу кўрсаткич 27.740 донани ташкил этди. Корхона иш бошлагандан бери 172 минг 44 та автомобиль ишлаб чиқарди.

● Вилоятда 72 та енгил саноат корхонаси бўлиб, бу жами саноатнинг 39 фоизини ташкил этади.

● 38 та қайта ишлаш корхонаси, 13 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритяпти.

● 1998 йилнинг ўзида хорижий давлатларга 200,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган.

● 1993 йилда 13.261 та ишчи ўринлари яратилган бўлса 1998 йилда 22.111 та ишчи ўринлари яратилди. Умуман, 1993-98 йилларда 100 мингдан зиёд ишчи ўринлари яратилди.

● 927 та ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатяпти.

● 814 та кичик корхона, 714 та ўрта корхона, 538 та микрофирма мавжуд.

Саҳифани «Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус мухбири Ортиқали НОМОЗОВ тайёрлади.

«ҚЎЛ БИЛАН ТИКЛАБ БЎЛМАС ҲАЙКАЛ ҚЎЙДИМ ЎЗИМГА...»

Айни кунларда буюк рус шоири А. С. Пушкиннинг 200 йиллиги қизғин нишонланмоқда. Шоирни дилдан севган, ўлмас шеъриятига ихлос қўйган ўзбек ноширлари ҳам тўйга арзигулик совғалар ҳозирлашмоқда.

Куни кеча Пётр Кузионов, Бахтиёр Омоновларнинг «Пушкиннинг сўнгги фожиавий дуэли» «Последняя трагическая дуэль Пушкина» номли китоби рус тилида босмадан чиқди.

Қуйида ушбу асардан парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ПУШКИН ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ТАҚДИРИ

Александр Сергеевичдан тўрт нафар фарзанд қолган: Маша, Саша, Гриша ва Наташа. Уларнинг тақдири турлича бўлди. Катта қизи Мария Александровна болаликда касалманд ва заиф бўлиб, оила шифокори И. П. Спасскийнинг доимий назоратида турар эди. У кейинчалик тузалиб кетиб сарвиқомат сохибжамолга айланди, адабиёт ва мусиқага қизиқиб, Екатеринбургдаги аёллар билим юртини битириб чиқди.

Мария 28 ёшида Отлиқ полк гвардиясининг зобити Леонид Николаевич Гартунгга турмушга чиқди, аммо ундан фарзанд кўрмади. Гартунг Тула ва Москвада хизмат қилиб, генерал даражасига етди. 1877-йилда уларнинг бошига катта кулфат тушди, Гартунг бегона меросни ўзлаштиришда айбланиб иши судга оширилди, бундай шарманда этилади.

Холмурод қишлоқ фарзанди-Хоразмнинг Хонқасидан. Шу боис бўлса керак, у қўшиқ қуйлаганида замин заргарлари, сахий ва саховатли она ер, унинг бетакрор ҳуснлатофати, оппоқ пахта хирмонлари, болу шарбатга тўлган боғ-роғлар, икки томонида мирзатераклар саф тортган қишлоқ кўчалари, ариқлардан шарқираб оқаётган зилол сувлар, биқирлаган булоқлар кўз олдингизда бор бисоти, ўзига яраши қли жозибаси, гўзаллиги-ю улуғворлиги билан намоён бўлади.

Бунга унинг «Қишлоғим даласи чорлайди мени» деб бошланувчи қўшиғини эслашнинг ўзи кифоя. Унда ва шу сингари бир қатор қўшиқларида юлдузлардай шан қишлоқларимизнинг ўзига хос таровати, жўмард кишилари, уларнинг яратувчилик меҳнатлари мадҳ этилади.

Холмурод санъат оламига қўйган биринчи қадамини шундай ҳикоя қилади:

— Отамнинг ажабтовур овози бўлиб, дўстлари даврасида айрим достонлардан парчаларни қўшиқ қилиб айтиб юрардилар. Шу сабаблими, болалигимдан мусиқага қизиқиб қолдим. Бу мойилликни сезган отам бир куни дўкондан рубоб олиб бердилар. Шу-шу рубоб менинг ҳаётдаги доимий ҳамроҳим бўлиб қолди.

У қишлоқда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент маданий-оқартув техникумига ўқишга кирди. Билим масканини имтиёзли диплом билан тугатиб, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозир университет) мусиқа факультетида таҳсил кўрди. бу ерда мусиқа сирсиноатларини эгаллаш билан бирга қўшиқ айтиш маҳоратини ошириб борди. Айниқса, Хоразм мумтоз қўшиқларини севиб, қунт ва сабот билан ўрганди. «Ҳоразм чоргоҳи», «Нақши наво», «Хоразм сегоҳи», «Хоразм дугоҳи», «Ферузе-1», «Шитоб айлаб» каби қўшиқларни маромига етказиб айтадиган бўлди. Бу борада устози — таниқли ҳофиз Ўринбой Отажоновнинг хизматлари катта.

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

Мана, 20 йилдирки, Холмурод Зарипов Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг халқ чолғу асбоблари оркестрида созанда сифатида фаолият кўрсатяпти. Унинг иштирокида оркестрнинг талайгина катта-кичик асарлари-куй ва қўшиқлар, поэма ва кантаталар, концертлар магнит тасмасига ёзиб олинди.

Санъат соҳиби қўшиқсиз яшай олмайди,деганлари рост. Холмурод ҳам янги-янги қўшиқлар ўрганиб, ўз мухлислари даврасини кенгайтириб бораяпти. Унинг радио хазинасида сақланаётган қирқдан зиёд қўшиқлари эндиликда «Ойнаи жаҳон» орқали ҳам тез-тез янграмоқда.

Сўнгги йиллар Холмурод учун айниқса, сермаҳсул йиллар бўлди. «Мовий кўзли қиз», «Изҳор», «Муҳаббат қўшиғи», «Дилдора йўлиқдим», «Паризод» қўшиқлари яратилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб «Сўнмас ҳурлик зиёси» қўшиғини ижро этган хонанда бу йил нишонланадиган қутлуғ байрамга янги қўшиқ ҳадя этмоқчи.

Холмурод оркестрда хизмат қилиши билан бирга Тошкент кооператив-тижорат коллежи қошида ташкил этилган «Субҳидам» ансамблини бошқармоқда. Ансамбл иштирокчилари ҳар гал янги дастур билан талаба-ёшлар, қишлоқ кишилари ҳузурида, корхона ва ташкилотларда концерт беришиб, санъат шайдоларининг олқишига сазовор бўлишмоқда.

Эзгу орзулари бир олам Холмуроднинг. У санъатда ўзининг муносиб ўрнини топишига, янги-янги сеҳрли, жозибали оҳанглар кашф этиб, шинавандалар қалбини ром этишига ишончимиз комил.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Соғлиғинг қадрига етгил, Хаста бўлмасдан бурун...

Тиши оғриган беморлар шифокорнинг ширинсуханлиги нақадар жонга оро киришини яхши билишади. Бўка марказий шифохонаси стомотология бўлимига ана шундай кўли енгил, ширинсўз Холида Ғуломова етакчилик қилмоқда. Унинг ҳузурига шифо излаб келганларнинг аксарияти ўз дардига малҳам топади.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

● Хўжайли туманидаги «Озодлик», «Оқ олтин» ва Ҳамза номидаги ширкатлар бирлашмаси хонадонларида зангори олов ёнди.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон аҳолисининг салкам 90 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда.

* * *

● Қўқон шаҳридаги Муқимий номли маданият ва истироҳат боғи қайта қурилмоқда. Боғ ўртасидаги эски Ўрда арки қайта сайқалланади. Чойхона, ошхона, шарқона айвонлар барпо этилади. 7,5 гектарли боғ янада кенгайтирилади.

* * *

● Ҳунарли киши ҳор бўлмас. Гулистон шаҳридаги «Наврўз-Ал» хусусий корхонасида ёшларга бадиий каштачилик, тикувчилик, сартарошлик, телерадио аппаратлари ва уй-рўзғор буюмларини тузатиш каби ҳунарлар ўргатилмоқда,.

* * *

● Данғара туманида енгил саноат ишлаб чиқариш тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган коллеж қурилиши бошлаб юборилди. Билим даргоҳи битгач 750 нафар ёшларни ўз бағрига олади. Узоқ қишлоқлардан келиб таҳсил олувчилар учун 200 ўринли ётоқхона бунёд этилади.

Уни «Қўқонагроқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамоаси бунёдкорлари қураётир. Замонавий билим маскани келаси йили фойдаланишга топширилади.

* * *

● Қарши шаҳрида «Гуллар ва қушлар» байрами бўлиб ўтди. Шу куни болалар боғи чинакам қўриқхонага айланди. Ўқувчилар ўзлари парваришлаётган қушлар ва гулларнинг ўнлаб турларини намойиш этдилар.

ЎҚИШ БОШҚА, УҚИШ БОШҚА...

...Шарқда «ҳужжатул-ислом» номи билан машҳур бўлган Имом Ғаззолий ўспиринлиги чоғида илм истаб юртини тарк этибди. Хорижда кўп шаҳарларни кезиб, у ерлардаги олимлардан илм таҳсил қилиб, бир қанча китоблар тўплаган китобларини сандиқларга жойлаб, туяларга юклабди-да, карвонга қўшилиб она юрти томон йўлга равона бўлибди. Йўлда қароқчилар ҳужум қилишиб, карвондаги барча бойликларни талон-торож қилишибди. Шунда олим қароқчилар бошлиғи олдига бориб, ўзининг олим эканлигини, бутун умри давомида илм учун заҳмат чекиб тўплаган бойлиги шу китоблар эканлигини билдирибди ва уларни қайтаришни талаб қилибди.

Қароқчилар бошлиғи бу гапларни эшитиб:

— Агар сен олим эрсанг бул китобларга муҳтож эмассен, агар муҳтож эрсанг, олим эмассен, — деб жавоб қилибди.

Олим бу гаплардан бағоят мутаассир бўлибди. Шу ёрдан ортга қайтибди. Бир неча йиллар давомида аввал ўқиган китобларини ёд олиб, дунёга «ҳужжатул-ислом» бўлиб танилибди...

Фикр

Бу қиссадан ҳисса шулки, аждодларимиз китобни шунчаки тўуни англаб ёдлашни шуниб ўқишдан кўра, афзал билишган. Мадрасаларда ўқитилган ҳар бир китоб ёдланиши шарт бўлган. Илм ёдлаш билан ҳосил қилинган. Қуръонни тўлиқ ёдлаган кишилар «қори» деган шарафли номга сазовор бўлишган. Уларнинг халқ орасида обрў-эътибори баланд бўлган. Китоб ёдлаш орқали қувваи ҳофизалари кучли бўлишган, хотира тиниқлашган. Ҳозир-чи?

Ҳозир китобхон қай йўсинда мутолаа қилади?

Агарда «Бугунги ўзбек китобхони қанча китоб ёдлаган?» деган сўров ўюштирсангиз, ишонаманки, энг юқори натижа 4 ёки 6 китобдан ошмайди. Аксарият, биттага ҳам етмайди. Ишонмасангиз, сўров ўтказинг.

Айтиш жоизки, китобхонларнинг кўпчилигини ўрта ва кекса ёшдагилар ташкил қилишмоқда, ёшларнинг эса китобга рағбати суст. Аксарият ёшлар кўчадаги олди-қочди газета-журналлару чет эл сериалларининг шайдоси.

Хўш, ёшларимизни бу хавфли гирдобдан қандай олиб чиқиш мумкин? Бунинг учун аввало оилада, мактабда ва ҳар бир даврада китобхонлик туйғусини шакллантириш зарур. Қолаверса, боғчадаги мураббий-педагоглар, уйда ва мактабда эса ота-она ва ўқитувчилар бу борада намуна кўрсатиши, мутасадди раҳбар ва ташкилотлар кутубхоналар фаолиятига эътиборни кучайтириши, энг муҳими, чоп этилаётган китоблар сонини эмас — балки савиясини бир дам бўлса-да эсдан чиқармайдиган ноширларимиз кўпайиши мақсадга мувофиқдир. Бу эзгу мақсадга барча-барчамиз масъулият талаби билан ёндошганимиздагина юқоридаги муаммо ўз-ўзидан ечимини топади. Зеро, китобни кўп ўқиган ва унинг маъно-мағзини уққан ҳар бир киши, албатта, муродига етажак...

Абдул МАЛИК.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт билим юрти томонидан Айхўжаева Юлдуз Абдушимовна номига берилган №172391 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

У ҚЎШИҚ ҚУЙЛАГАНИДА...

Холмурод қишлоқ фарзанди-Хоразмнинг Хонқасидан. Шу боис бўлса керак, у қўшиқ қуйлаганида замин заргарлари, сахий ва саховатли она ер, унинг бетакрор ҳуснлатофати, оппоқ пахта хирмонлари, болу шарбатга тўлган боғ-роғлар, икки томонида мирзатераклар саф тортган қишлоқ кўчалари, ариқлардан шарқираб оқаётган зилол сувлар, биқирлаган булоқлар кўз олдингизда бор бисоти, ўзига яраши қли жозибаси, гўзаллиги-ю улуғворлиги билан намоён бўлади.

Бунга унинг «Қишлоғим даласи чорлайди мени» деб бошланувчи қўшиғини эслашнинг ўзи кифоя. Унда ва шу сингари бир қатор қўшиқларида юлдузлардай шан қишлоқларимизнинг ўзига хос таровати, жўмард кишилари, уларнинг яратувчилик меҳнатлари мадҳ этилади.

Холмурод санъат оламига қўйган биринчи қадамини шундай ҳикоя қилади:

— Отамнинг ажабтовур овози бўлиб, дўстлари даврасида айрим достонлардан парчаларни қўшиқ қилиб айтиб юрардилар. Шу сабаблими, болалигимдан мусиқага қизиқиб қолдим. Бу мойилликни сезган отам бир куни дўкондан рубоб олиб бердилар. Шу-шу рубоб менинг ҳаётдаги доимий ҳамроҳим бўлиб қолди.

У қишлоқда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент маданий-оқартув техникумига ўқишга кирди. Билим масканини имтиёзли диплом билан тугатиб, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозир университет) мусиқа факультетида таҳсил кўрди. бу ерда мусиқа сирсиноатларини эгаллаш билан бирга қўшиқ айтиш маҳоратини ошириб борди. Айниқса, Хоразм мумтоз қўшиқларини севиб, қунт ва сабот билан ўрганди. «Ҳоразм чоргоҳи», «Нақши наво», «Хоразм сегоҳи», «Хоразм дугоҳи», «Ферузе-1», «Шитоб айлаб» каби қўшиқларни маромига етказиб айтадиган бўлди. Бу борада устози — таниқли ҳофиз Ўринбой Отажоновнинг хизматлари катта.

Мана, 20 йилдирки, Холмурод Зарипов Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг халқ чолғу асбоблари оркестрида созанда сифатида фаолият кўрсатяпти. Унинг иштирокида оркестрнинг талайгина катта-кичик асарлари-куй ва қўшиқлар, поэма ва кантаталар, концертлар магнит тасмасига ёзиб олинди.

Санъат соҳиби қўшиқсиз яшай олмайди,деганлари рост. Холмурод ҳам янги-янги қўшиқлар ўрганиб, ўз мухлислари даврасини кенгайтириб бораяпти. Унинг радио хазинасида сақланаётган қирқдан зиёд қўшиқлари эндиликда «Ойнаи жаҳон» орқали ҳам тез-тез янграмоқда.

Сўнгги йиллар Холмурод учун айниқса, сермаҳсул йиллар бўлди. «Мовий кўзли қиз», «Изҳор», «Муҳаббат қўшиғи», «Дилдора йўлиқдим», «Паризод» қўшиқлари яратилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб «Сўнмас ҳурлик зиёси» қўшиғини ижро этган хонанда бу йил нишонланадиган қутлуғ байрамга янги қўшиқ ҳадя этмоқчи.

Холмурод оркестрда хизмат қилиши билан бирга Тошкент кооператив-тижорат коллежи қошида ташкил этилган «Субҳидам» ансамблини бошқармоқда. Ансамбл иштирокчилари ҳар гал янги дастур билан талаба-ёшлар, қишлоқ кишилари ҳузурида, корхона ва ташкилотларда концерт беришиб, санъат шайдоларининг олқишига сазовор бўлишмоқда.

Эзгу орзулари бир олам Холмуроднинг. У санъатда ўзининг муносиб ўрнини топишига, янги-янги сеҳрли, жозибали оҳанглар кашф этиб, шинавандалар қалбини ром этишига ишончимиз комил.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ СИРЛАРИ КЎП

Лиссабон университетининг пештоқига «Бу ерда шубҳаланишга ўргатади» деб ёзиб қўйилган.

* * *

Якка ва тўхтовсиз ўқ отадиган тўппонча русларда 1951 йили И. Я. Стечкин томонидан ўйлаб топилган. У АПС деб номланган бўлиб якка ва тўхтовсиз ўқ отиш имкониятга эга бўлган. Аслида у испанлардаги «Астра» ва италяндаги М 951 ва Петро Беретта» тўппончаларининг нусхаларидан бўлган.

* * *

Олимларнинг ҳисобларига қараганда 2000 йилга келиб ҳаво ҳарорати XIX асрга қараганда 1,3 даражага ва 2025 йилга келиб 2,5 даража ва 2050 йилга келиб 3—4 даража ўсар экан. Бу ўзгаришлар ҳаво ҳароратигина эмас ҳаводаги сув балансини ҳам кескин ўзгартиради. Айтишларига қараганда авваллига 5—10 кейинчалик эса 20—30 см ёмғирлар миқдори ўзгарар экан.

* * *

Одам жисмининг ҳамма клеткалари 23 жуфт хромосомдан ташкил топган. Улардан 22 таси эркак ва аёлларда бир хил. Фақат биргина жуфт хромосомларнинг фарқи бизнинг жинсимизни аниқ белгилайди. Бу ҳам бўлса аёлларда иккита XX хромосом, эркакларда эса айнан мана шу жуфт хромосом XV лиги билан ажралади.

* * *

Назмда чиройли қоматни, гўзалликни билдирадиган, унинг тимсоли саналадиган СА-РВ дарахти бизнинг юртимизда ҳам ўсади. Унинг бўйи 30 метргача етади, танасининг йўғонлиги 50—60 см га етади. Афсоналарга қараганда у 2000 йил умр кўради. Аммо Қримдагилари 100 йилларда чирий бошлайди. Игнабарглилар орасида энг гўзал дарахтлардан бири айнан шу САРВ бўлади, сарви қомат дилбарим.

* * *

XVII асрнинг биринчи ярмида италиялик олим Иоган Хризостом Магненус моддаларнинг атомини аниқлашда жуда антиқа усул қўллаган. Бир қатра бухор қатронини катта бир черковда тутатиб унинг ҳиди қанча жойгача тарқаганини аниқлайди ва бир қатра бухор қатронида 777 600 000 000 000 000 дан ортиқ атом бор экан деган хулосага келган.

Биласизми?

* * *

Тирик жониворларнинг қон босимини ўлчашни биринчи маротаба 1733 йили Ст. Гейлс деган олим ўлчаган. Шундан салкам юз йилдан кейин буюк олим физик ва врач Ж. Л. Пузейл 1831 йили алоҳида асбоб ихтиро қилади. Ва ниҳоят 1865 йилда Германияда Л. Траубе ҳозирги замонавий мембранали қон босимини ўлчовчи асбоблар қандай бўлишини ёзиб қолдирган.

* * *

Баъзи ҳолларда нозик нарсаларни бир бирига ёпиштиришга тўғри келади. Аммо улар шунчалик нозик нарсаларки ҳатто ишлатган клейингиз ҳам сизни қониқтирмайди. Бундаҳ ҳолларда айниқса бир бирига бириктираётган нарсангиз енгил ва ялтироқ бўлса уни ёпиштириш учун сармсоқ ишлатсангиз бўлади.

* * *

Олимларнинг ҳисобига қараганда 1987 йилда яшаб ўтган ва яшаётган одамлар сони 80 миллиардга етган. Шулардан 75 миллиарди ўликлар ва қолган 5 миллиарди тириклар. Ер юзидаги одамлар сони 10 миллиардга келган давр неолит даври бўлган, дейишади. Бу даврда ер юзида 5—10 миллион одам яшаган 20 миллиард сон эрадан аввалги 4 асрга тўғри келади. Бу даврда одамлар сони 50 миллионга тўғри келади. 30 миллиард одам сони эрадан аввалги 2-чи мингйилликка тўғри келади. 40 миллиард одам эрадан аввалги 5 асрга тўғри келади. 50 миллиард одам 8—9 асрга тўғри келади, бу пайтда одамлар сони 200 миллиондан ошган. 6 миллиард одам уйғониш даврига тўғри келади. 70 миллиардлик одам Ўтган асрнинг 30 йилларига тўғри келади ва 80 миллиард одам тугилишига 130 йиллар керак бўлган.

* * *

Одамзод пайдо бўлибдики у доим бирон нарсага ўзи учун худо деб ишониб келади. Туркийлар аввалги замонлар Тангри яъни кўк худосига ионониб келган. Ўша қадим замонлардан улар якка Худога ишонган. Қадимий сак туркийлар ўз авлодларини бўриларга тақаган. Шунинг учун ҳам ўзларини Тангри бўрилари деб ҳам юритган. Тян шон номи туркийларнинг эътиқоди Тангри ва келиб чиқиши бўрига ишорасидир, бу ўринда шона ҳозирги муғил тилида бўри дегани. Кейинчалик олсак туркийларнинг энг жанговар уруғларидан бири ашинлар ҳам ўзларини ўша бўрилардан деган.

С. ЙЎЛДОШЕВА.



Юксакларда, кенгликларда яйрар тулпорлар.

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ АТРОФ МУҲИТ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ «ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ» «В» КОМПОНЕНТИ

Консультантлар хизматига ҳақ тўлаш бўйича Жаҳон банки тартиб-қоидаларига биноан GEF Агентлиги Марказий Осиё мамлакатларидан мутахассислар жалб этиш мақсадида «Орол» ҳавзаси атроф муҳити ва сув ресурсларини бошқариш GEF Агентлигининг «Жамоатчилик фикрини шакллантириш» «В» Компоненти минтақа гуруҳига танлов эълон қилади.

Минтақавий гуруҳ ҳар бир давлат учун бир мутахассис — жами беш кишидан иборат бўлади.

Бу мутахассислар турли соҳаларда жамоатчилик фикрини шакллантириш тажрибасига эга бўлмоғи лозим. Контракт синовдан ўтиш шарти билан 6 ойга GEF Агентлиги билан тузилади.

Лойиҳада белгиланган ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишига қараб контракт узайтирилиши мумкин. Иш ҳақи контрактда белгиланади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун давомида қабул қилинади. Ариза олинган кун сифатида почта қоғозидаги муҳрда акс этган ёхуд факс орқали ариза қабул қилинган кун ҳисобланади.

Минтақа гуруҳи учун номзодлар тегишли иш тажрибасига эга бўлмоқлари ҳамда қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак бўлади:

— Жамоатчилик билан алоқа йўналиши;

— Журналистика ёхуд оммавий ахборот воситаларидаги тажриба;

— Жамоатчилик таълими, реклама, электрон нашри йўналиши;

— Халқаро ташкилотлар, айниқса жамоатчилик билан ҳамкорлик;

— Инглиз, рус ва жумҳурият тилини билиш (даражаси);

— Миллий удум, урф-одатлар ва ҳолатларда тегишли билимга эга бўлиш ва мулоқотда бўла олиш;

— Гуруҳда ишлай олиш қобилияти;

— Ташаббускорлик ва топқирлик.

Танловда қатнашиш истагини билдирган шахслар ўз аризаларига қўшиб, албатта юқорида кўрсатилган талаблар аниқ акс этган (CV) маълумотларини илова қилмоқлари шарт.

Аризалар қуйидаги манзилга юборилсин:

700004, Тошкент, Навоий кўчаси, 4. Ўзбекистон Республикасидан Миллий Координатор

Маълумотлар учун телефонлар: 8:998 712 41-34-81; 41-33-11.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0446, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.00

1 2 3 3 4 6.